# «ЎЗДУНРОБИТА» ҚК УЯЛИ АЛОҚА ТАРМОҒИ

## қадимий ипак йўлини замонавий ахборот магистралига айлантирмоқда

**Ўзбекистон Марказий Осиёда уяли алоқани ривожлантиришда карвонбошилик қилмоқда ва бу энг янги телекоммуникация технологиясини ўзлаштиришда унга қулай имкониятлар яратиб берди.**

## «ЎЗДУНРОБИТА»НИНГ ТЕЛЕФОН УЯЛАРИ

Телекоммуникация иқтисодиётнинг, жамият ва давлатнинг ҳам «нерв тизими», ҳам «қон томири» дейишади. Алоқа воситалари иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга, хизмат соҳаларига, одамларнинг кундалик турмушига тобора қатъийлик билан кириб бормоқда ва жамият тараққиётида, халқ фаровонлигини оширишда янада самаралироқ роль ўйнамоқда. Бу таъриф алоқанинг энг чаққон воситаси бўлмиш уяли радиотелефонга ҳам тўла тааллуқлидир.

Бундан бир неча йил илгари, ҳатто, кўпгина мутахассислар ҳам уяли телефон ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Энди эса, у ҳаётимизга инқилобий янгилик сифатида кириб келиб, бизга ишонч, тезкорлик, енгил бошқариш ва ахборот олиб туриш, комфорт ва қулайлик, хулоса қилиб айтганда, мустақиллик, янгича ҳаёт тарзини инъом этмоқда. Уяли телефон мамлакат инфраструктурасининг энг янги қисмларидан бири сифатида алоқа техникаси соҳасида фан-техника тараққиётига, иқтисодиётга, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга таъсирини изчил кучайтириб бормоқда ва катта ижтимоий юкни ўз зиммасига олиб, аҳолининг тобора кенг қатламига хизмат кўрсатмоқда, фан, таълим ва маданиятнинг ривожига кўмаклашмоқда.

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўзининг қудратли давлатини барпо этган Ипак йўлида бугунги кунга келиб Шарқ ва Ғарбни ягона ахборот маконига бирлаштирувчи Миллий уяли алоқа магистрали барпо этилаётгани рамзий маънога эгадир. «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси беш йилдан бери айнан шу иш билан шуғулланиб, мустақил давлатнинг кундалик ҳаётига, иқтисодиётига энг янги технологияларни изчил жорий этмоқда.

Ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши, республика Алоқа вазирлигининг ташаббуси ва «Ўздунробита» ҚК жамоасининг саъй-ҳаракати билан радиотелефон уяли алоқаси амалда маҳсулот ишлаб чиқараётганлар сафидан ўрин олди, кўплаб технологик жараёнларнинг ажралмас қисмига, ахборот тизимларининг транспорт воситасига айланди.

Ўзбек-америка қўшма корхонаси қисқа вақт ичида Ўзбекистонда уяли алоқанинг кенг тармоғини барпо этиб, мамлакат телекоммуникацияси бутун мажмуининг сезиларли таркибий қисмига айланди.

«Ўздунробита» -- мустақил Ўзбекистон тенгдоши. У телекоммуникациянинг жаҳондаги энг илғор технологияси сари қатъий юриш қилиб, ўзини ёрқин намоён этди ва эндиликда тадбиркорлик, дадил ташаббусларни ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга мамлакатда қулай имкониятлар яратилгани шарофати билан жиддий ютуқ ва обрў-эътиборга сазовор бўлди. «Ўздунробита» ҚК Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Қарши, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий ва Ўзбекистоннинг яна 42 шаҳар ҳамда туман марказларида уяли радиотелефон алоқасига эга. Уяли алоқа эгаллаган ҳудуд 40 минг квадрат километр бўлиб, 7,6 миллион аҳоли истиқомат қилади. «Ўздунробита»нинг ўн минг нафар абоненти нафақат Ўзбекистоннинг юқорида саналган шаҳарлари, балки шаҳар атрофлари, кўпгина йўлларда, шунингдек, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларида ҳам чаққон алоқа воситасидан кечаю кундуз фойдаланмоқда.

Уяли алоқанинг Ўзбекистонда бу қадар ривожланиши мустақил мамлакатда ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигидан яна бир далолатдир. Бу ерда иқтисодий шарт-шароитлар яратилаётгани ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланаётгани боис энг дадил лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўляпти ва катта ютуқларга эришиляпти.

### МДҲда УЯЛИ АЛОҚА АБОНЕНТЛАРИ СОНИ ВА ИСТИҚБОЛ

| Мамлакатлар | 1994 | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ** | | | | | | |
| ***Ўзбекистон («Ўздунробита» ҚК)*** | ***1900*** | ***4000*** | ***9500*** | ***13650*** | ***20475*** | ***27232*** |
| Қозоғистон | 550 | 3572 | 6787 | 11538 | 16153 | 20191 |
| Қирғизистон | 400 | 750 | 1250 | 1850 | 2500 | 3250 |
| Тожикистон | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Туркманистон | 250 | 650 | 1150 | 1750 | 2450 | 3430 |
| Жами | 3100 | 8972 | 18687 | 28788 | 41578 | 54102 |
| **КАВКАЗОРТИ ДАВЛАТЛАРИ** | | | | | | |
| Арманистон | 0 | 350 | 1200 | 2160 | 3456 | 5184 |
| Озарбайжон | 0 | 300 | 850 | 1403 | 2244 | 3478 |
| Грузия | 500 | 1500 | 2925 | 5265 | 8687 | 12597 |
| Жами | 500 | 2150 | 4975 | 8828 | 14387 | 21259 |

**Маълумотлар Pyramid (АҚШ) ахборот компанияси томонидан тайёрланган.**

## ЙЎЛ БОШИДА

«Ўздунробита» 1991 йилнинг августида ташкил этилди. У Алоқа вазирлиги тизимидаги биринчи, умуман Ўзбекистонда эса дастлабки қўшма корхоналардан бири эди. Собиқ СССРда ҳам бундай соҳадаги корхона, айниқса, қўшма корхона бўлмаганди ўшанда.

«Ўздунробита» ҚКнинг муассислари бўлган республика Алоқа вазирлигининг устав фондидаги улуши 55 фоиз, INTERNATIONAL COMMUNATIONS GROUP (АҚШ) компанияси улуши 45 фоиз қилиб белгиланди. Ўзбекистон томонининг устав фондига қўшган улуши тегишли радиочастоталардан фойдаланишга рухсат ва лицензия бериш, Ўзбекистон ҳудудида уяли алоқа хизмати кўрсатиш, бино ва иншоотлар ажратиш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларига улашдан, Америка томонининг устав фондига бадали эса 2,2 миллион АҚШ долларилик уяли алоқа ускуналарини Тошкентга келтириш, монтаж қилиш ва ишга туширишдан иборат бўлди.

Биринчи марта қўл урилаётган бундай мураккаб иш ҳам машаққатли, ҳам завқли эди. Куйидагилар қўшма корхонанинг асосий мақсади қилиб белгиланди: Ўзбекистон инфраструктурасида замонавий алоқа воситаларини барпо этиш, телекоммуникацияга оид янги технологияларни республикага жалб этиш, аҳоли кенг қатламига уяли алоқа хизмати кўрсатиш, мамлакат иқтисодиётининг ривожига кўмаклашиш.

Бу вазифаларнинг ижросига идрокли ва ташаббускор кишилар сафарбар этилди. Бироқ маълум бўлиб қолдики, америка томони вакиллари ҳам етарли тажрибага эга эмас эканлар, бу ҳол кўп қийинчиликларни келтириб чиқарди. Аммо икки томон ҳам астойдил уриниб, «Нокия» фин фирмаси билан музокаралар олиб боришди ва NMT-450 андозасидаги ускуналарни келтиришга келишишди.

Тошкентлик муҳандислар хорижий мутахассислар билан биргаликда коммутатор ва базавий станциянинг ускуналарини монтаж қилдилар. Ва 1992 йилнинг сентябрида яъни Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрамида Тошкентда уяли алоқа тармоғи ишлай бошлади. Ўшанда биринчи кўчма радиотелефон аппаратлари кўпчилик учун қизиқ туйилганди. Қўшма корхонани ташкил этганлар ҳам баъзан «Бу алоқа турига талаб бўлармикин?» дея иккиланиб қолардилар.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, барча шубҳалар бемаврид тушган тумандай тарқаб кетди. Эҳтиётқорлик билан 500 абонентга мўлжалланган тармоқ тўла ишлай бошлади. Радиотелефон аппаратлари қўлма-қўл бўлиб кетди, айримлари ўрнига чаққон алоқа техникаси жорий этилди. Корхона, унинг жамоаси ва раҳбарлари обрўси, нуфузи ортиб борди. Нафақат бизнинг мутахассисларимиз балки, илгари америкалик ишбилармонлар даврасида маълум бўлмаган Далли Б. Кристининг номи ҳам машҳур бўлиб кетди. «Ўздунробита» ҚК бошқаруви раиси бўлган бу кишининг ҳозир Америка-Ўзбекистон савдо палатаси директорлари бошқарувида нуфузи баланд. Ҳа, унинг номи Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар туфайли кўпчиликка танилди.

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

NMT-450 тизими ускуналари «Ўздунробита» уяли алоқа тармоғида узоқ ишламади. Тармоқнинг кенгайиши, пойтахт ва музофотларда уяли телефонга бўлган қизиқишнинг ортиши, жаҳон тажрибасини ўрганиш қўшма корхона жамоаси олдига модернизация масаласини кўндаланг қўйди. AMPS/TDMA андозаси анча илғор ва истиқболли, деган хулосага келинди ва республика жаҳонда кенг тарқалган ана шу андозага ўтди. Бунда «Ўздунробита» абонентларининг ўзларининг уяли аппаратларидан қўшни республикалар ҳудудида фойдаланиш имкониятлари муҳим омил бўлди. Бу мўлжал, ўзини оқлади -- бугунги кунда Қозоғистон ва Қирғизистон билан роуминг тўғрисида шартнома тузилди.

AMPS/TDMA андозаси дунёда энг катта абонентлар базасига эга. Яъни 45 миллион кишидан ошади ёки жаҳондаги жами уяли алоқа абонентларининг 60 фоиздан кўпроғига тенг келади.

Шунингдек, AMPS андозаси модернизацияланган коммутаторлик ускуналари ўрнатилганда TDMA (каналларининг вақтинчалик бўлинишига кўп томонлама уланиш) замонавий технологиясидан фойдаланиб, иккита яъни аналогик ва рақамли режимда ишлашни, симли линия орқали компьютер тармоғидан маълумотларни қабул қилиб ўтирмай, уларнинг узлуксиз келиб туришини таъминлайди. Муҳими шундаки, абонентлар электрон почта орқали қисқа хабардан тортиб, катта ҳажмдаги ахборотлардаги ҳужжатлардан иборат маълумотларни ўзларининг радиотелефонлари орқали қабул қилишлари ва портатив компьютерга узатишлари мумкин.

Иккинчи муаммо -- инвестиция масаласини ҳам ҳал этишди. Қўшма корхона бошқаруви ўз фаолиятининг бошидаёқ, қарор қилди: 1998 йилгача Ўзбекистонда олинган фойданинг ҳаммаси тўлалигича ривожлантириш ва модернизациялашга реинвестиция қилинади. Амалдаги қонунлар ва ҳукумат қарорларига мувофиқ конвертация учун «очиқ йўл» берилди. Бу қуввати жиҳатидан аввалгиларидан уч баравар юқори бўлган янги ускуналар харид қилиш имконини берди. Ва 1994 йилнинг охирида Тошкентда аввал ўрнатилгани билан бир вақтда «Ўздунробита» уяли алоқасининг янги комутатори ишлай бошлади. У пойтахтда ва вилоятга туташ туманларда 40 километр радиусда тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлайди. Кўпгина вилоят марказлари AMPS/TDMA андозасидаги ускуналарни қўллаш орқали уяли алоқани ривожлантиришга киришдилар. Ўртадаги фарқни абонентлар ҳам ҳис қила бошладилар. Уланишларнинг сифати ортди, сигналлар тез ўта бошлади, хизмат турлари анча кенгайди, шаҳарлараро алоқаларни уюштириш ва ROAMING тизими бўйича қўшни мамлакатга чиқиш мумкин бўлди.

1995 йилда яна бир яъни учинчи бор реконструкция ўтказилиб, энг жиддий жаҳон андозаларига жавоб берадиган ускуналар ўрнатилди. Улар энг ривожланган мамлакатлар даражасида хизмат кўрсатиш имконини беради.

Жаҳонга танилган уяли алоқа ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчиларнинг жумладан «Моторола» (АҚШ), «Нортен телеком» (Канада), «Эриксон» (Швеция), «Хитачи» (Япония), «Нокия» (Финляндия) ва бошқа фирмаларнинг вакиллари «Ўздунробита» қўшма корхонаси офисига серқатнов бўлиб қолишди.

Абонент учун тараққиёт -- унинг ўз қўлида бўлган, ўзи фойдаланаётган нарса. Дастлабки йиллари абонентлар «Нокия», «Токмон», «Ситимон», «Мобира» моделидаги аппаратлардан фойдаланишган бўлса, AMPS андозасига ўтилгач, асосан «Микро Так», «Ультра Лайт», «Атташе» каби русумли аппаратлар ишлатилди. Энди эса «Ўздунробита» ўз мижозларига анча такомиллаштирилган ва бежирим «Микро Так», «Элит», «Эриксон», «Сони», «Нокия», стационар «Моторола» Phonec//SX ва бошқа жаҳонга машҳур фирмаларнинг аппаратларини тавсия этмоқда.

«Ўздунробита» қўшма корхонасининг республикамиздаги ўн мингдан зиёд, шу жумладан давлат хизматчилари, коммерсантлар ва ажнабий абонентлари бугунги кунда доимо ёнларида бўладиган ва тинимсиз ишлайдиган бежирим аппаратсиз иш юритиш ва яшашни тасаввур қилолмайдилар. Кўпчилик учун у кундалик зарур буюм, янгича ҳаёт тарзига айланиб қолди.

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ҳозирги замонда ютуқ оператив ахборотга эга бўлган кишида. Уяли телефон айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Офисда ёки уйда, автомашинада ёки пиёда сайрда, хизмат сафари ёки жиддий мажлисда, хуллас, уяли аппарати бор абонент истаган вақтда ўзини хотиржам ҳис этади, чунки содиқ дўсти бўлмиш телефон унга ёрдамга тайёр -- ишини битиради, маслаҳат беради. Бу телефон абонентни муқим иш жойига боғлаб қўймайди. Аксинча, унга эркинлик беради, ахборот маконидан ажралмаслигини таъминлайди.

Ўзбекистон харитасида «Ўздунробита» забт этмаган ҳудуд тобора камайиб бормоқда. Тошкентдан бошланган бу кўринмас мўъжиза-тўр бошқа минтақаларга жадал ёйилиб бормоқда. Корхоналар эса ишлаб чиқаришни, капитал қурилишни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантиришдек энг зарур жойларда янги тармоқларни барпо этишни ўзларининг устивор йўналишлари деб билмоқдалар. Зеро, уяли алоқа тармоғи тадбиркорларнинг манфаатларига, кўпминг сонли хорижий меҳмонларнинг талабларини қондиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда изчил ўтказилаётган, илмий асосланган ислоҳотлар сиёсати ўз мевасини бераяпти. Хорижий экспертларнинг гувоҳлик беришича, бугун Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариши бўйича 1990 йилдаги даражасига нисбатан МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллайди. Саноатни ривожлантириш суръатлари ўсиб бормоқда.

«Ўздунробита» қўшма корхонасининг фаолияти мамлакатнинг иқтисодиётни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари билан уйғун ҳолда кечмоқда. Чунончи, фойда кетидан қувиш йўқ. Қўшма корхона оғишмай амал қилаётган устивор йўналишлардан бири давлат ва жамият эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, кучли талаб сезилаётган жойларда замонавий чаққон алоқа тармоғини ривожлантиришдир.

1996 йилнинг охирларида Навоий шаҳрида, бошқа аҳоли истиқомат жойларида уяли телефонларни ишга тушириш ниҳоясига етказилди. Ўнта вилоят маркази, вилоятга бўйсунувчи 16 та шаҳар, 15 та туман бугунги кунда «Ўздунробита» тармоғига уланган. Сигналларни янада кенг ёйиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда базавий станция ўрнига кучли замонавий коммутаторнинг ускуналари ўрнатилди, юқорида таъкидланганидек, Навоийда ҳам коммутаторни монтаж қилиш тугатилди. Ишлаб турган ҳамма станцияларнинг қуввати ҳозирданоқ, 160 минг, шу жумладан, Тошкент ва Андижонда 70 мингдан, Самарқанд ва Навоийда 10 мингта абонентни улаш имконини беради.

Андижонда барпо этилган мажмуа уяли алоқа сигнали билан бутун Фарғона водийсини қамраб олиш учун бемалол етади.

«Ўздунробита» телефони қўшни республикаларда ҳам ишламоқда. Чунончи, Қозоғистонда Алмати, Оқмулла, Актюбинск, Қарағанда, Чимкент каби тўққизта туманда шу телефондан фойдаланиш мумкин. Қирғизистонда эса абонентлар Бишкек, Ўш, Чўлпонота, Жалолобод, Иссиққўл каби саккизта шаҳарда бемалол алоқага чиқмоқдалар.

Ўрнатилган ҳажм ва уяли алоқа тармоғига уланган абонентлар сони жиҳатидан Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида сўзсиз карвонбоши ҳисобланади. PYRAMID (АҚШ) ахборот компанияси қилган таҳлилдан кўриниб турибдики, «Ўздунробита»нинг абонентлари 1994 йилдан 1996 йилгача 5 баравар ортди. Бу Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонни қўшиб ҳисоблаганда 1,03 баравар, Кавказортидаги учта республика -- Грузия, Арманистон, Озарбайжондагидан 1,91 баравар кўп.

Ўзбекистон Республикаси Миллий тараққиёт дастурини бажариш ва телекоммуникация тармоғини модернизациялашда «Ўздунробита» ана шундай иштирок этмоқда.

## НАРХ ПАСАЯПТИ, ИМТИЁЗ ВА СИЙЛОВ КЎТАРИЛЯПТИ

«Ўздунробита»нинг иш тажрибаси фақат анъанавий алоқа воситалари мижозлар эҳтиёжини тўла қондиролмаётган мамлакатда телекоммуникациявий «қўриқ макон»ни муваффақиятли ўзлаштиришдангина иборат эмас. Бу нафақат муваффақиятли иш юритиш (айниқса бизнес соҳасида) учун зарур бўлган янги хизмат турини жорий этиш, балки шундай пухта ўйланган амалий сиёсатки, у ўз манфаатини ҳам, мамлакатда амалга оширилаётган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашни ҳам ҳисобга олади. Гарчи, бугун янги, чаққон алоқа хизматидан аҳолининг кенг қатлами фойдалана олади дейиш мумкин бўлмаса-да, ҳар бир киши учун тушунарлики, бу -- ҳийла қиммат хизмат, унга эркин молиявий маблағи борларнинггина қурби етади. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бундай абонентлар сони кучайиб бормоқда. «Ўздунробита» ҳам ўз навбатида уларнинг ҳамёнларига инсоф юзасидан қарамоқда. Асосий нарх ва ставкалар мунтазам камайтирилмоқда, абонентларга янги-янги имтиёз ва сийловлар бериб борилмоқда. Чунончи, радиотелефонларнинг ўртача қиймати 1992 йилдан бошлаб, деярли ҳар йили арзонлаштирилди ва ҳозир дастлабки қийматининг 65 фоизи миқдорига тушди. AMPS андозасидаги айрим янги аппаратлар доимий таъминотчилардан анча арзон нархда, 30 фоиз сийлови билан олиниб, шунга яраша сотилмоқда. Бу дастлабки йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд арзондир. Асосий радиотелефонларнинг қиймати кейинги уч йилда 2,5 баравар арзонлаштирилди. Улаш учун белгиланган баҳо 25 фоиз қисқартирилди. Бир дақиқа сўзлашувнинг ўртача нархи ҳам 12 фоиз пасайтирилди. Жаҳон уяли алоқа амалиётида биринчи марта Ўзбекистон ҳудудида олти рақамли уяли телефон бўйича имтиёзли ва текин шаҳарлараро сўзлашув жорий этилди. Агар абонентларда иккита ва ундан ортиқ телефон бўлса, улар ўртасидаги келадиган алоқа учун ҳақ тўланмайди, тунда гаплашилганда эса 35 фоиз сийлов қилинади. Тарифни пасайтиришга оид янги таклифлар кўриб чиқилмоқда.

Кейинги пайтларда стационар уяли телефон кенгроқ жорий этилмоқда. Чаққон телефонга нисбатан у бир қатор муҳим афзалликларга эга. Чунончи, улаш учун тўланадиган ҳақ 2 баравар арзон, абонентлик тўлови 3 баравар кам. Стационар телефоннинг амал қилиш радиуси 70 километр. Уни офисга ҳеч қандай навбатсиз ва кабел ётқизмай, бир соатда ўрнатиш мумкин. Маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро алоқаларга чиқиш, офис линияси -- АТСга факсимал аппаратни, автожавобчини, муҳофаза сигнализациясини улаш кафолатланади. Бу телефон учун исталган қувват манбаи -- 220 В ўзгарувчан ток тармоғи, 12 В ташқи ўзгармас ток манбаи, ичига ўрнатиладиган батарея тўғри келаверади. Яна шуниси муҳимки, у экологик хавфсиз. Стационар телефонда уяли ва симли алоқа сифатлари яхши уйғунлашади.

Қўшма корхона ходимлари фирма манфаатлари хусусида ҳам қайғурадилар. Масалан, унинг асосий маблағларини олиб кўрайлик. Зеро, иш йўқ жойдан бошланганди. Америка томонининг ионаси катта эмасди -- ташкилотчиларнинг шикоятлари чекланган эди. Таваккалчилик ҳам қалтисроқ эди. Мана, орадан вақт ўтди. Пул топишди. Доллар кредити тарзида қўшимча хорижий инвестиция жалб этилди. Бироқ асосийси -- ишни кенг кўламда бошлаб юборишди. Янги-янги лойиҳаларни бирин-кетин амалга ошира бошладилар. Минтақалар, мижозлар билан ишлашди, жойнинг ўзида имкониятлар излаб топишди. Бугунги кунда халқаро экспертларнинг фикрига қараганда, «Ўздунробита»нинг асосий маблағлари қиймати 50 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда ва у ўсиб бормоқда. Бу рақам 1997 йилдаёқ икки баравар ортади, деб баҳолашмоқда экспертлар. Бунда иш ҳақи фондининг даромад таркибидаги фоизи қарийб икки баравар камайтирилган. Хорижий инвестициялар 1,5 баравар ўсди. Қўшма корхона топган фойданинг ҳаммаси тўлалигича ривожланиш ва реконструкцияга йўналтирилмоқда. Шу билан бирга қўшма корхона солиқларни тартиб билан тўламоқда, тегишли суммани бюджетга ўтказиб турибди. Чаққон уяли алоқа «Ўздунробита» иштирокида иқтисодиёт соҳаси ва кундалик турмушга тобора қатъийлик билан жорий этилмоқда.

Абонентлик бўлими манзили:
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24, 6-қават.
Сотиш бўлими ва таъмирлаш гуруҳи манзили:
Тошкент, Себзор, п. б. 19.
(Мўлжал -- «Ганга» дўкони, 8-дорихона).
Маркетинг ва реклама бўлими манзили:
Тошкент, «Дўстлик» меҳмонхонаси, 5-қават, 502-хона.
Бизга қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Уяли телефонларни сотиб олиш ва фойдаланиш юзасидан:
Сотиш бўлими
тел.: 441709, 443208, 301308, 300909.
факс: 301308, 301309
081 уяли телефон орқали қўнғироқ бепул.
Сўзлашув учун ҳисоб-китоб юзасидан:
Абонентлик бўлими
Тел.: 306725, 336725
факс: 301323.
080 уяли телефон орқали қўнғироқ бепул.
Уяли телефон таъмири юзасидан:
Таъмир гуруҳи
тел.: 441669
факс: 301327
082 уяли телефон орқали қўнғироқ бепул.
Алоқа сифати юзасидан:
Техник хизмат:
тел.: 347172
факс: 347172
087 уяли телефон орқали қўнғироқ бепул.
Маркетинг ва реклама бўлими
Тел.: 301373
Факс: 301373
Телефонни ижарага олиш:
Тел.: 301360, 301900, 301901, 301902, 301930, 301460.
«Қизғин линия» Тел.: 300909.
Авария рақами: 111.

## МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР -- ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

«Ўздунробита» қўшма корхонасининг диққатга сазовор томонларидан бири шуки, бу ерда бирор нафар ажнабий ишламайди. Ҳамма кадр ва мутахассислар ўзимизники. Улар асосан, Тошкент алоқа электрон техника институти ва Ўзбекистоннинг бир қатор олий ўқув юртларини битирганлардир. Хорижийлар уларнинг ишга муносабатларини, меҳнатсеварлиги ва билимдонликларини, ишлаб чиқаришни оқилона уюштира олишларини, энг замонавий электрон ускуналарни малакали бошқаришларини кўриб ҳайратланишади.

Қўшма корхона иш бошлагандан буён кўплаб қимматли рационализаторлик таклифлари киритилиб, уларнинг деярли ҳаммаси жорий этилди. Бундай интеллектуал салоҳият билан истиқбол режа ва лойиҳаларини қуриш қийин эмас. Бу ҳол хорижий шерикларни руҳлантирмоқда. Мамлакатдаги барқарорлик ва тотувлик бунга кўмаклашмоқда. «Ўздунробита» қўшма корхонасида 214 киши меҳнат қилмоқда, уларнинг ҳаммаси янги очилган ишчи ўринларига келишган. 38 нафар ёш мутахассис жаҳоннинг нуфузли марказларида ўқишди ва тегишли халқаро сертификат олишди.

Ёш мутахассисларга таянилаётгани бежиз эмас. Улар энг мураккаб, оғир ишларни тезроқ ва дадилроқ ўзлаштиришади. Уяли алоқа эса айнан мураккаб иш-дир. Ёшлар бунинг уддасидан чиқишяпти. Қўшма корхона раҳбарларининг фикри шундай. Қўшма корхона раҳбарлари бутун иш жараёнида бош бухгалтер муовини Т. Алимов, абонент бўлими бошлиғи К. Алимуҳамедов, маркетинг ва сотиш хизмати бошлиғи Д. Оллоберганов, компьютер тизимининг етакчи муҳандиси Д. Чиғатоев каби ходимларнинг билим ва тажрибаларига суянадилар. Қўшма корхона барпо этилгандан буён тижорат ишлари бўйича директор вазифасида ишлаб келаётган муҳандис-алоқачи А. Мирзамўйдинов ўзини моҳир ташкилотчи сифатида намоён этиб, бозор муносабатларининг энг нозик тамойилларигача пухта эгаллади. Дастурчи И. Музаффаров, А. Раҳимов, коммуникация станциясининг етакчи мутахассислари М. Рамазонов, Т. Эшонов, Б. Мўминов, А. Нам каби муҳандисларнинг саъй-ҳаракатлари билан кундалик ва истиқбол режалари муваффақиятли ҳал этилмоқда.

«Ўздунробита» марказда ва жойларда фақат маҳаллий мутахассислардан иборат катта салоҳиятга эга бўлгани боис ишлаб чиқариш-техник вазифаларни маромига етказиб бажармоқда.

## ЯНГИ УФҚЛАР САРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда олти нафар оператор радиотелефон уяли алоқа билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олди. Бироқ ҳозирча битта, у ҳам бўлса «Ўздунробита» қўшма корхонаси сабот ва ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Унинг раҳбар ва мутахассислари «телефонлаштирилган макон»ни ривожлантириш, техника воситаларини янгилаш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун янгича ёндошув ва имкониятлар топиш йўлида тинимсиз изланмоқдалар. Қўшма корхона мутахассислари уяли алоқа тизими жорий этилган ҳамма минтақаларда хизмат кўрсаткичлари юқори бўлиши учун амалий чоралар кўрмоқдалар. Ҳозирги кунда монтажчилар гуруҳлари Ўзбекистонда биринчи марта технологик ускуналарнинг янги тури -- репиторларни ўрнатмоқдалар. Уни Американинг «ALLEN TELECOM GROUP» фирмаси ишлаб чиқарган. Репиторларни қўллаш уяли алоқа ишлаб турган минтақаларда радиотелефон сигнали билан қамраб олиш зонасини кенгайтириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида симсиз чаққон алоҳа ҳаракати доирасини кенгайтиради.

1996 йилнинг сўнгги ойида Қоровулбозор ва Хевада замонавий ретранслятор-репиторлар монтаж қилиб бўлинди. «Ўздунробита»нинг уяли алоқа тармоғи бир неча ой илгари ишга туширилган Андижон ва Фарғона шаҳарларида ретрансляция станцияларининг қабул-узатиш ускуналари ўрнатилмоқда. Бу сигнал ўтадиган йўлларда табиий ва сунъий тўсиқлар -- тоғ, тепалик, баланд иншоотлардан ошиб ўтиш ва анча кенг шаҳар ва шаҳаролди оралиқларида барқарор ва сифатли алоқани таъминлаш имконини беради. Зеро, зоналар 20 километргача кенгаяди.

Навбатда эса янги лойиҳалар турибди. 1997 йилда уяли алоқа қамраб оладиган ҳудудни анча кенгайтириш назарда тутилган. Бунинг учун келаси йилнинг биринчи чорагида маҳаллий ҳокимият органлари, хўжалик ташкилотлари кўмагида Нукус, Термиз, Қўқон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида, кейинги даврларда эса Гулистон ва Жиззахда тармоқни ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Базавий станция ва репиторларни қуриш ҳисобига «Ўздунробита» уяли алоқа тармоғи янада кенгайиб, ҳамма вилоятларнинг марказларини, йирик шаҳарларни, уларга туташ зоналарни, кўпгина қишлоқ туманларини, асосий транспорт магистралларини қамраб олади. Унинг телефонлари 40--50 километр радиусда амал қилиб қолмай, йўловчиларга сафарда, чунончи, Тошкент ва Самарқанд, Бухоро ва Навоий ўртасидаги катта ўзбек трактида, Фарғона водийси йўлларида ва бошқа йўналишларда хизмат кўрсатади. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Миллий дастурда Ўзбекистон телекоммуникацияси тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича назарда тутилган вазифаларни бажара бориб, «Ўздунробита» қўшма корхонасида ўз абонентлари сонини 2010 йилгача камида 200 мингта етказиш мўлжалланган.

Амалга оширилган ва бундан буён қилинадиган ишлар Ўзбекистоннинг Миллий уяли радиотелефон алоқаси тармоғини барпо этишга қўшиладиган катта ҳиссадир.

«Ўздунробита»да 1997 йилдан бошлаб мутлақо янгича шароитда ишлашга тўғри келиши ҳам ҳисобга олинмоқда. Яна бешта оператор ўзининг уяли алоқани ташкил этиш лойиҳаси билан Ўзбекистоннинг телекоммуникация бозорига чиқади. Булардан учтаси қўшма корхона, иккитаси эса юз фоиз чет эл капиталидир. Ҳар кимнинг ўз нафсонияти бор. Рақобат эса ўз тузатишларини киритади, муқобилларини юзага келтиради. «Ўздунробита» қўшма корхонаси бунга тайёр. У қисқа муддат ичида ўзини кўрсатди ва янги уфқлар сари қатъий ишонч ва умид билан одимламоқда.

**А. КУДИНОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

### «ЎЗДУНРОБИТА» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ ФИЛИАЛЛАРИ МАНЗИЛИ

| Филиалларнинг номлари | Юридик манзили | Раҳбарларнинг И.Ф.О. | Телефон | Факс |
|---|---|---|---|---|
| Андижон | 710021, Андижон ш., Лермонтов кўчаси, 12. | Аҳмадалиев Комилжон Комилжонович | (8-374-422) 37422 94003 | (8-374-2) 94455 |
| Бухоро | 705000 Бухоро ш., Ҳамза кўчаси, 6. | Мажидов Мамажон Жалолович | (8-365-22) 36522 71515 | (8-365-22) 36662 |
| Қашқадарё | 730000, Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 254. | Хушвақтов Усмон Хушвақтович | (8-375-22) 37522 20001 | (8-375-22) 21616 |
| Наманган | 716000, Наманган ш., Юнус Ражабий кўчаси, 12. | Нурматов Баҳодир Ҳамидуллаевич | (8-369-22) 36922 38655 | (8-369-22) 12224 |
| Самарқанд | 703002, Самарқанд ш., Дағбет кўчаси, 12. | Раҳимов Соҳиб Эргашқулович | (8-366-2) 314401 | (8-366-2) 314040 |
| Фарғона | 712003, Фарғона ш., Железнодорожний кўчаси, 47. | Исоқов Абдуқодир Қўзиевич | (8-373-22) 212121 | (8-373-22) 47766 |
| Хоразм | 740000, Урганч ш., Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 23. | Ёқубов Баҳодир Жуманиёзович | (8-362-22) 36222 46202 | |
| Навоий | 706800, Навоий ш., Амир Темур кўчаси, 4. | Отаев Эркин Амриддинович | (8-436-22) 25005 | (8-436-22) 25005 |



*Жиззах дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ҳиссадорлик жамиятида ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда янги йил арафасида Германиядан келтирилган «ВИНКЛЕР» русумдаги жиҳоз билан таъминланган кичик нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушди. Унда кунига 18-20 хил нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.*

*СУРАТДА: бош корхона раҳбари Шароф Очилов ва новвой Дилшода Юсупова янги жиҳозни кўздан кечирмоқда.*

Нурмамат АЛМУРОДОВ тасвирга олган.

*Ижтимоий муҳофаза*

## 7 ЙИЛДАН ЗИЁД ИШЛАГАНЛАРГА...

Бухоро туманидаги Ф. Аллаев номли жамоа хўжалигида вилоят физиотерапия шифохонаси жойлашган. Яқинда вилоят «Иссиқликманбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси шифохона билан ўзаро фойдали шартнома имзолади. Бу ерда бошқарма ҳисобидан 29 нафар ишчи ва хизматчи ўз соғлигини тиклаб, жамоасига қайтди. Жамоа бундай ҳамкорликни Бухоро шаҳридаги «Муҳаббат» кичик савдо корхонаси билан ҳам йўлга қўйди. У ердан ҳозиргача 3 миллион 300 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиниб, ходимларга тарқатилди.

Бундан ташқари корхонада ишчи ва хизматчиларга ғамхўрликнинг яна бир усули йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Масалан, бошқармада етти йилдан зиёд ишлаган жамоа аъзолари иссиқ сув, иситиш хизмати тўловларидан озод қилинган. Айни кунда юз нафарга яқин ишчи-ходимлар бу имтиёздан баҳраманд бўлишмоқда.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ҳамкорлик*

## ИККИ ҚАВАТЛИ ВАГОНЛАР

### Уларда «Дамас», «Тико» ва «Нексия» ташилади

**Андижон механика заводида Асакада ишлаб чиқарилаётган «Дамас», «Тико», «Нексия» микроавтобуслари ҳамда енгил автомобилларни ташишга мўлжалланган икки қаватли вагонлар тайёрлашга киришилди.**

Маълумки, Ўзбекистон автомобиллари ўзининг ташқи кўринишидан ташқари тежамлиги ва бежиримлиги билан барчага манзур бўлмоқда. Мазкур автомобиллар республикамиздан ташқарида, хусусан, Россияда ҳам катта қизиқиш билан кўплаб миқдорда харид қилинмоқда. Қўшма корхона бу йил 20 мингдан зиёд машина ишлаб чиқаришни режалаштирган. Табиийки, шунча миқдордаги автомобилларни мамлакатимизнинг турли бурчакларига, ҳамдўстлик мамлакатларининг йирик саноат шаҳарларига бешикаст етказиб берилиши талаб этилади. Андижон механика заводи меҳнат аҳли махсус вагонлар тайёрлаш билан ана шу муаммони ижобий ҳал этди.

Мазкур вагонлар икки қаватдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига олтитадан «Дамас», тўрттадан «Нексия» ёки еттитадан «Тико» жойлаштирилади. Муҳандис В. Отабеков, технолог Р. Қосимов, пайвандчилар бригадаси бошлиғи А. Мальцев ва А. Халилжонов бошлиқ йиғув цехи жамоаси атиги 20 кун мобайнида янги вагонларнинг илк намуналарини қўлдан чиқардилар. Вагонлар темур йўлларнинг кескин бурилиш қисмларида, тепаликлардан ўтган ерларда синаб кўрилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик жамияти ана шундай вагонлардан бир неча ўнта тайёрлаш юзасидан завод жамоасига буюртма берди.

**Ўз мухбиримиздан.**


**ЎЗТАДБИРКОРБАНКНИНГ АЗИЗ АКЦИЯДОРЛАРИ, ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАР, ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР, ВАТАНДОШЛАР!**

**ЎЗТАДБИРКОРБАНК КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ НОМИДАН**

***СИЗЛАРНИ 1997 ЙИЛ БИЛАН ЧИН ҚАЛБИМИЗДАН ТАБРИКЛАЙМИЗ! ОНА-ЮРТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗ РИВОЖ ТОПАВЕРСИН. СИЗЛАРГА ИШЛАРИНГИЗДА УЛКАН ЗАФАРЛАР, ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК, СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ВА БАХТ-САОДАТ ТИЛАЙМИЗ!***

ЎЗТАДБИРКОРБАНК КЕНГАШИ ЎЗТАДБИРКОРБАНК БОШҚАРУВИ



**UZ Ph ФОНОН**
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

**"Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси**

***мустақил Ўзбекистон аҳолисини 1997 йил билан САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!***

Ишончимиз комилки, янги йил серқуёш мамлакатимиз халқининг йўлини тараққиёт ва демократия нури билан янада чароғон этади. Зеро, бутун саъй-ҳаракатларимиз шу мақсадларга қаратилгандир.

"Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари, муҳандислари, барча меҳнаткашлари фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, келажаги буюк давлатни барпо этишга қаратилган ғояларни рўёбга чиқариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

***Қадрли ватандошлар, сизларга саломатлик, барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!***

"ФОНОН" ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ – БУ ЎЗАРО ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН ЮКСАК ФАН ВА САМАРАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДЕМАКДИР!

*Оила шаъни -- муқаддас*



# ОҚИЛ ФАРЗАНД ОТА-ОНА ИФТИХОРИ, ВАТАН ТАЯНЧИ

**Шарқ фалсафасининг мазмуни ана шундай**

Қайтар дунё дейдилар. Яхшиларнинг яхшиликлари яхшилик билан бўлиб, ёмонларнинг ёмонликлари эса хунук доғ бўлиб қайтади. Элнинг раҳматини, кўплар дуосини олишга муяссар бўлган кишиларнинг умрига умр қўшилади, қадди тик юради, кам бўлмайди. Избоскан туманида яшовчи Мамадали ота Суяров мисолида қайтар дунё деганлари нечоғлик ҳақлигига иймон келтирдик.

Йигирма йилдан ортиқ йирик жамоа хўжалигини бошқарган бу инсон жуда кўп кишиларга яхшилик қилди, етим-есирларнинг бошини силади. Қайси бир бемор даволанаётганини эшитиб қолгудек бўлса, ҳар қандай ишини ташлаб бўлса ҳам уларни кўргани борди. Қишлоқнинг отахони сифатида бошига мусибат тушганларнинг уйларида бўлди, далда берди, қўлидан келганча ёрдам кўрсатди.

Иттифоқо Мамадали отанинг ўзи ҳам бетобланиб қолди. Уни кўргани тиббиёт институтининг касалхонасига бордик.

-- Ҳозиргина сизларни ўйлаб турган эдим, -- касаллиги анча жиддий эканлигига эътибор бермай ўрнидан турди у. -- Эшитдингизми, маҳаллангизда яшовчи Байрамхон опаям шу ерда -- нариги бинода даволанаяпти. Юринг, бирров кўриб чиқайлик.

Опанинг олдига чиқдик. Ҳол-аҳвол сўрадик. Умри далада, оғир меҳнат билан ўтган, орқасидан йўқлаб келгувчиси айтарли бўлмаган аёлнинг синиқ, заъфарон юзларига табассум қўнди. Ич-ичига ботиб кетган кўзларида ёш пайдо бўлди. Инсон тафтини инсон олади, дейдилар. Назаримизда Байрамхон опа анча тетиклашгандай, соғайиб кетгандай...

Ўша пайтдаги машҳур раислардан бири бўлган Мамадали отанинг ўз қўл остидаги кишиларига ғамхўрлиги, уларнинг сиҳат-саломатликлари ҳақида қаттиқ қайғуриши бизни ҳаяжонга солган эди. Кейин биз Жумақўзи Ҳайдаров, Ҳасанбой Ортиқов, Муҳаммадшариф Соҳибов ва бошқа жуда кўп кишилардан ҳам илиқ сўзлар эшитдик. Яхши инсон яхши ишлар қилади. Мамадали ака раисликни топширгач, бекор юришни ўзига эп кўрмади. Деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Ҳозир ҳам қўлида кетмон, бир оёғи далада...

Андижон туманидаги Ҳакам қишлоғида Каримжон ота Эминовлар оиласи истиқомат қилади. Отанинг болалик йиллари, ўсмирлиги, йигитлик онлари Украина чўлларида кечди. Не-не машаққатларни бошдан кечирмади дейсиз. Эндиликда эса кексалик гаштини суриб яшамоқда. Устида оппоқ яктак, бошида дўппи билан ўтирган ота ҳузурига 11 нафар ўғил-қизлари бирин-кетин кириб келади.

Оиланинг тўнғичи Салимжон ҳар субҳи содиқда отасининг ҳузурига ошиқади, оғир юмушларни бирга қилади. Оқшом ўша ҳолат яна такрорланади. Дастурхонга дуо ўқилгач, ўғил ўз оиласи ҳузурига йўл олади. Араванинг олдинги ғилдираги қайси йўлдан юрса, кейинги ғилдираклари ҳам ортидан эргашади. Салимжоннинг отасига ғамхўрлиги, эъзози укаларига, келинларига андоза бўлди. Алоҳида уй-жойли бўлган ўғлонлар ҳар тонг ўз болаликлари кечган ота-оналари қучоғида ғам-ташвиш нималигини билмай ўсган ҳовлиларида ҳозир бўладилар, шу ерда дийдорлашадилар, маслаҳатлашадилар. Отанинг раҳматини, дуосини ва маслаҳатини олиб, ишга кетадилар.

-- Дадамиз бойлигимиз, чироғимиз, -- дейди ғурур ва ифтихор билан йирик иқтисодчи олим, фан доктори, профессор Тоҳиржон Эминов. -- Падари бузрукворимиз олдида бир умр таъзимдамиз.

-- Ҳалол меҳнат билан боқиб бизни кийинтирдилар, тарбияладилар, -- суҳбатга қўшилди вилоятдаги забардаст автохўжаликлардан бирига раҳбарлик қилаётган Азимжон Эминов. -- Бахтимизга ҳамиша бор бўлсинлар.

Оиладаги аҳилликни, оталар, фарзандлар ўртасидаги қуёш нури янглиғ илиқликни кўриб, юртбошимиз И. Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш чоғида айтган қуйидаги сўзлари беихтиёр ёдимга тушади. «Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишга лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат».

Бу сўзларнинг замирида олам-олам маъно бор. Ота-она ўз фарзандини иймон-эътиқоди мустаҳкам, ҳар жиҳатдан баркамол, олийжаноб фазилатларга эга бўлган кишилар қилиб улғайтирар экан, бу билан фақат ўзига эмас, жамиятга, эл юртга ҳам катта манфаат етказган бўлади. Бу хилдаги йигит-қизлар Салимжон, Азимжон, Ғофуржонга ўхшаб, элим, юртим деб, астойдил меҳнат қиладиган, ёниб яшайдиган кишилар бўлиб камол топадилар. Ана ўша фидойилар мустақиллигимизни мустаҳкамлайди, Ватан равнақини таъминлайди.

...Яқинда дўстларимиздан бирининг тўйида кексайиб, табаррук бўлиб қолган мўйсафиднинг қўлтиғидан олиб, уни суяб бораётган Акрамжон акага кўзим тушди. Ота енгил машинага яқинлашиши билан Акрамжон илдамлик билан унинг эшигини очди. Отасини суяб, ўриндиққа ўтқазди. Рулга ўтиргач, отасига юзланди.

-- Уйга кетдик, ўғлим, -- деди ота.

-- Бошқа ерда ишингиз йўқми, дада? -- Отасининг мўмин кўзларига термулди ўғил.

Тўйхонада ўтирганлар ота-ўғилга ҳаваслandilar. Ўғил ўстирган отага, муштдек бўлиб қолган отани улуғлаган ўғилга ич-ичларидан раҳмат айтдилар.

Биз истар эдикки, ҳар бир инсон ана шундай эл-юрт меҳрига сазовор бўлсин.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# МЕБЕЛЬИМПЭКС

*Янги йил муборак, азизлар!*

**"Мебельимпэкс" фирмаси**

*жамоаси ўз муассисларини, Ўзбекистон мебель саноати ходимларини ва шу серфайз юртда истиқомат қилаётган барча халқларни Янги 1997 йил билан самимий муборакбод этади.*

*Инсон манфаатлари мужассам бўлган 1997 йил барчамиз учун хайри баракали, мамлакат ёш авлодларини мукаммал инсон қилиб тарбиялашда янада салмоқли йил бўлиб қолишидан умидвормиз.*

***Барча-барчага сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, узоқ умр тилаб қоламиз.***

# МЕБЕЛЬИМПЭКС



# ABN·AMRO Bank

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

*Ўзбекистон халқига чин дилдан Янги йил табригини йўллайди ва фаровонлик, бахт тилайди!*

**ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A.O.**



***"TECK Corporation"***
***ва***
***"Central Asian Gold Corporation"***

***Ўзбекистон Республикаси халқини кириб келаётган Янги 1997 йил билан чин юракдан табриклайди!***

*Ҳаммангизга бахт-саодат, тинчлик ва тараққиёт, республикангизнинг эса гуллаб-яшнашини тилаймиз!*





**Бухоро шаҳридаги «АБДУЛЛО» кичик корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.**

*Тел.: 23-54-87 (Бухоро).*


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Баҳриддин Наимовга акаси

**Муҳаммадраҳим НАИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси ўрмончилар тармоғи касаба уюшмаси қўмитасининг собиқ раиси ўрмончи мутахассис

**Тоҳир КАМОЛОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси республика миқёсидаги шахсий пенсионер, қўмита тизимидаги овчилик ва қўриқхоналар бўлимининг собиқ бошлиғи

**Ориф АБЗАЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

М. Қориёқубов номли академик ва халқ балиий жамоалари дирекцияси директор муовини Муслим Исмоиловга ўғли

**АКМАЛЖОНнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

ТАШКЕНТСКИЙ ТЕКСТИЛЬНЫЙ КОМБИНАТ

TASHKENT TEXTILE COMPLEX

# АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

## *Сизларни қутлуғ айём - Янги йил байрами муносабати билан кўп минг кишилик жамоамиз номидан қизғин ва самимий муборакбод этамиз!*

*Маълумки, тўқимачилик мамлакатимиз енгил саноат тизимининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада тўпланган кўп йиллик бой тажриба маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда. Марказий Осиё минтақасида кўҳна саноат корхоналаридан бири саналган Тошкент тўқимачилик комбинати ҳам ўзининг 64 йиллик тарихи давомида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ҳозирги кунда у мустақил республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини барқарорлаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.*

*Корхонада ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари Япония, Чехия, Испания, Россия, Украина, Қозоғистон каби хорижий мамлакатларда ҳам яхши маълум. Амалий руҳдаги бундай ҳамкорлик ҳар икки томон учун катта самара келтираётир.*

*Тўқимачилик саноати соҳасида меҳнат қилаётган қадрли ҳамкасбларимизни, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқини муборак айём билан яна бир бор қутлашдан мамнунмиз.*

## *Янги йил хонадонингизга туганмас шодлик, қут-барака, бахт-саодат келтирсин!*

**"Тошкент тўқимачилик комбинати" ҳиссадорлик жамияти жамоаси.**

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!







## "Қобул-Тўйтепа-Текстиль"

**Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси жамоаси**

### *Ўзбекистоннинг барча аҳолисини янги йил билан қутлаш шарафига муяссар бўлганлигидан ўз мамнунлигини изҳор этади.*

Қўшма корхонамизнинг фаолиятиёқ Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар ривожидан, мамлакатингизда бозор муносабатларига ўтиш орқали туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга ошаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистондаги бугунги иқтисодий ислоҳотлар, илғор техника ва технологияга бўлган интилиш, тез орада Ўзбекистон жаҳон бозорида ўз нуфузига эга бўлишига ишорадир.

Биз мамлакатингизда илғор технологияларни ҳаётга тадбиқ этиб, айниқса, енгил саноат тизимини такомиллаштириш сингари йирик лойиҳаларнинг амалга оширилаётганлиги билан фахрланамиз. Бу серфайз диёрда истиқомат қилаётган барча аҳолига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, шоду-хуррамлик, Ўзбекистоннинг яқин келажакда гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлиги йўлида мамлакатингиз раҳбарияти олиб бораётган бунёдкорлик ишларида муваффақият тилаймиз.

**"Қобул-Тўйтепа-Текстиль"**
**Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси**

# ШОҲСУПА

### ёки 1996 йилда спортимиз ҳаётида содир бўлган муҳим воқеалар солномаси







## ЯНВАРЬ

● Вазирлар Маҳкамасида футболимиз фаолиятига бағишланган мажлис бўлиб, унда Президент Ислом Каримов футболимиз юртимиз нуфузига мос бўлсин, деган ғояни ўртага ташлади ва футбол фаолиятини профессионал клублар асосида қайта ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

● Шавкат Жўраев, Акобир Қурбонов ва Игор Бучинцев самбо бўйича талабалар ўртасидаги дунё биринчилигида қатнашиб, жаҳон чемпионлари бўлишди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди ва футболимиз биринчи марта профессионал фаолият сари юз тутди.

## ФЕВРАЛЬ

● Жаҳон спортини ривожлантириш йўлида кўрсатаётган шахсий намунаси, олимпия идеалларига садоқати туфайли халқлар ўртасида яхши ният муҳитини яратиш эзгу ишига қўшаётган катта ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Халқаро Олимпия қўмитасининг Лозаннадаги штаб-квартирасида Олтин Олимпия ордени топширилди.

● Харбинда ўтказилган Осиё 3-қишки Олимпиадасида музда нафис учувчимиз Т. Малинина «кумуш», фристайлчимиз С. Бренер эса «бронза» медални қўлга киритди.

## МАРТ

● Мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олимпия бали ўтказилди.

## АПРЕЛЬ

● Артур Григорян спортимиз тарихида биринчи марта профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

● Оғир атлетикачимиз Г. Лейбман, эркин курашчиларимиз А. Очилов, Б. Будаев, Р. Хинчагов, О. Наниевлар Осиё чемпионлари бўлишди ва улар шарафига Япония ҳамда Хитойда юртимиз мадҳияси янгради.

● Ҳамюртларимиз Б. Кабанов, Р. Начаев, О. Пухнатий, О. Цветковский 4х100 метрга эстафетали сузиш бўйича жаҳон чемпионлари бўлишди.

## МАЙ

● Боксчиларимиз Истамбул халқаро турниридан иккита «олтин» ва битта «кумуш» медаль билан қайтишди.

## ИЮНЬ

● Юртимизда биринчи марта теннис бўйича аёллар ўртасида профессионал халқаро турнир ўтказилди.

● Тошкент ва Самарқанд шоҳмотчилари қитъа шаҳар командалари ўртасидаги Осиё чемпионатида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди.

## ИЮЛЬ

● Фарҳод Хўжанов, Зокир Шарипов ва Шуҳрат Хўжаев самбо бўйича қитъа чемпионлари бўлишди.

● Атланта Олимпиадасида дзюдочимиз Армен Богдасаров «кумуш», боксчимиз Карим Тўлаганов «бронза» медални қўлга киритди.

## АВГУСТ

● Президент Фармони билан бир гуруҳ мураббий ва спортчилар Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотланишди.

## СЕНТЯБРЬ

● «Президент кубоги» учун теннис бўйича учинчи халқаро турнир муваффақиятли ўтди.

● Пойтахтимизда «Олимпия шон-шуҳрати» музейи очилди.

● ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранч юртимизга учинчи марта ташриф буюрди ва унга Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» юксак ордени топширилди.

● Артур Григорян профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлигини сақлаб қолди ва у «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

● Шаҳрисабзда ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнирда ғузорлик полвон Баҳром Авазов мутлоқ ғолибликни қўлга киритиб, Президент соврини -- «Нексия» енгил машинаси билан тақдирланди.

## ОКТЯБРЬ

● Деҳлида ўтказилган жаҳон чемпионатида пауэрлифтингчимиз Геннадий Четин шоҳсупага кўтарилди.

## НОЯБРЬ

● Самбочимиз Шуҳрат Хўжаев жаҳон чемпиони бўлди. У Токиодан дунё биринчилигининг «кумуш» ва «бронза» медаллари билан ҳам қайтди.

● Артур Григорян учинчи марта профессионал бокс рингида ғолиб чиқди ва унга «Олтин белбоғ» инъом этилди.

● Дзюдочиларимиз В. Шмаков ва А. Богдасаров Вьетнамда ўтказилган Осиё чемпионатида қитъа чемпионлари бўлишди.

● Полвонларимиз Эронда ўтказилган Жаҳон кубоги баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, тўртта «олтин», битта «кумуш» ва иккита «бронза» медални қўлга киритишди.

## ДЕКАБРЬ

● Футболчиларимиз Осиё кубоги баҳсларида ўта муваффақиятсиз қатнашди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

*Сўраган эдингиз*

# МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ЁКИ УНДАН ОЗОД ҚИЛИШ



***Қандай тоифадаги кишилар (хусусан, қай ҳолларда ва қандай вазиятда) маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги мумкин. Шунингдек, бу қайси қонун ҳужжатларида белгиланган? Шу ҳақда маълумот берсангиз.***

***О. ШОНАЗАРОВ,***
***Шофиркон тумани.***

Ҳа, мумкин. Бу Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг иккинчи бўлим 20-моддада кўрсатилган. Мазкур моддага кўра, ақли норосалар ва сурункали руҳий бетоблар шунингдек, бошқа хил руҳий касалликларга чалинган фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норосалик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолияти вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

* * *

***Қандай ҳолларда маъмурий жавобгарликдан озод қилинади? Масалан, у қадар жиддий ҳуқуқбузарлик содир этилмаган тақдирда қонунга кўра қандай йўл тутилади?***

***Г. ИБРОҲИМОВ,***
***Касби тумани.***

Мазкур ҳол содир этилганда маъмурий жазодан озод қилиш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасида белгилаб қўйилган. Ушбу моддада содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги айтилган.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**О. ТЎРАҚУЛОВ тайёрлади.**

ОБУНА — 97

## *ДИҚҚАТ:*

## «ХАЛҚ СЎЗИ» ОБУНАЧИЛАРИНИ ЮТУҚЛАР КУТАДИ!

***Азизлар!***

***Биз 1997 йил учун газетамизга обуна (якка тартибда) бўлганлар ўртасида лотерея ташкил этишга аҳд қилдик.***

***Лотерея ролини газетамиз учун 1997 йилнинг 12 ва 11 ойига ёзилган обуна квитанциялари ўйнайди.***

***Ҳар бир обуначи обуна квитанцияларини ўз исми-фамилияси, манзили, иш жойи, ўқув даргоҳи номини тўла ёзиб, конвертга «Обуначилар лотереясига» деб белги қўйиб, «Халқ сўзи» таҳририятига 15 февралгача юбориши керак.***

***Лотерея ўйинлари февралнинг охирида якунланиб, «бахтли» квитанцияларнинг номерлари «Халқ сўзи»да эълон қилинади.***

***Ютуқлар ичида рангли телевизорлар, радиоприёмниклар, гиламу пологлар, уй-рўзғор ашёлари, чинни идишлар ҳамда бошқа қимматбаҳо буюмлар мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизнинг таниқли ёзувчиси-ю, шоирлари ўз дастхатларини битишган китоблар, машҳур хонандаларнинг концертлари ёзилган видеокассеталар ҳам сизларга муштоқ.***

***Лотереямизга «Ўзбекбирлашув», республика «Бизнес-фонди», турли корхона-ю, фирмалар ҳомийликни ўз зиммасига олишди. (Биз кейинчалик уларнинг тўлиқ номларини келтирамиз).***

***Ҳар икки лотереядан бирида ютуқ мавжуд!***
***Омадингизни синаб кўринг!***

**«Халқ сўзи» таҳририяти.**





BAT

# "ЎЗБАТ А.Ж."

## ЎЗБЕК-БРИТАН ҚЎШМА КОРХОНАСИ, "Бритиш-Америкэн Тобакко" компанияларининг гуруҳи аъзоси

*ўзбек халқини Янги 1997 йил билан табриклайди!*

*Қадрли дўстлар, сизларга соғлиқ, бахт ва оилангизга осойишталик тилаймиз.*

*Кириб келаётган Янги йил ҳаммангиз учун фаровонлик ва омадлар йили бўлсин! Ҳаммага бахт келтирсин!*

*Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқига, унинг ҳукуматига 1997 йилда республиканинг гуллаб-яшнаши йўлида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларда янада улкан муваффақиятлар тилаймиз.*








ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир —А. Йўлдошев.
Навбатчи —Б. Остонақулов.
Мусаҳҳиҳ — Б. Ҳасанов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 23.00**

1 2 3 4 / 6